

20-Mart, 2026-yil

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН  
КОРРУПЦИОН ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖОБИЙ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**Adilov Mirsamad Agzamovich**

*O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi  
Tezkor qidiruv faoliyati kafedrasi katta o‘qituvchisi*

**Ruziyev Nodirbek Nusratovich**

*O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi 2-o‘quv kursi 203-guruh kursanti*

**Аннотация:** Мақолада Ички ишлар органлари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш, қарши курашиш, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг тушунчаси, таҳлили, хориж тажрибаси, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши, ички ишлар органлари тизимида коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишдаги янгиликлар, коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги, коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш бўйича ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ходимларининг назарий ва амалий тажрибасини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилган.

**Калит сўзлар:** Коррупция, коррупция касаллигига чалиниш, ҳудудий ички ишлар органлари, жиноятчиликка қарши курашиш тушунчаси, ҳуқуқий асослари, жиноят қонунчилиги соҳасидаги ислоҳотлар, рейтинг баҳолаш тизими, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, БМТ Бош Ассамблеяси, оммавий ахборот воситалари, йўл харитаси.

**Аннотация:** В статье предупреждение коррупционных преступлений органами внутренних дел, борьба с ними, понимание и анализ преступлений коррупционной направленности, зарубежный опыт, совершение коррупционных преступлений, новости по борьбе с коррупционными преступлениями в системе. органов внутренних дел, коррупционное взаимодействие органов внутренних дел с общественностью в борьбе с преступностью, предложения и рекомендации по формированию теоретического и практического опыта оперативных подразделений органов внутренних дел по борьбе с преступлениями, связанными с коррупцией.

**Ключевые слова:** Коррупция, коррупционная болезнь, территориальные органы внутренних дел, концепция борьбы с преступностью, правовая основа, реформы в сфере уголовного права, рейтинговая система оценки, Агентство по борьбе с коррупцией, Генеральная Ассамблея ООН, средства массовой информации, дорожная карта.

**Annotation:** In the article, prevention of corruption-related crimes by internal affairs bodies, fight against them, understanding and analysis of corruption-related crimes, foreign

*experience, commission of corruption-related crimes, news on fighting corruption-related crimes in the system of internal affairs bodies, corruption-related*

**Key words:** *Corruption, corruption disease, territorial internal affairs bodies, the concept of fighting crime, legal basis, reforms in the field of criminal law, rating evaluation system, Anti-Corruption Agency, UN General Assembly, mass media, road map.*

### К И Р И Ш

Бугунги кунда, мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлиги остида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида, ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштирилаётганлиги сабабли, ички ишлар органлари тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ички ишлар органлари ходимларини “Инсон қадрлари учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш, ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган<sup>1</sup>.

**Долзарблиги:** Бугунги кунда дунёдаги энг юксак даражада ривожланган давлатларнинг асосий муаммоси бўлган коррупция жиноятларининг содир этилишини кучайиши даврида, жиноятчиликнинг ошиб кетиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутади. Шу сабабли Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан коррупция билан боғлиқ бўлган жиноятларга қарши курашишни такомиллаштиришга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилиб, келинаётганлиги сабабли, сўнгги йилларда мамлакатимизда жадал маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар, жумладан ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди ва улар ҳозирга қадар давом эттирилиб келинмоқда<sup>2</sup>.

**Муаммонинг баёни:** Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар натижада, Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув хизматининг ташкилий

<sup>1</sup> Исмоилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, КРАбдурасулова, И.Ю.Фозилов; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015

<sup>2</sup> Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 4(1), 61-69.

тузилмаси ислоҳ қилинди. Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ва ҳудудий ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ходимлари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг барвақт олдини олиш, бартараф этиш ҳамда қарши курашиш, уларнинг вазифалари, мазмун-моҳияти қайта кўриб чиқилди ҳамда мамлакатимизда коррупция билан боғлиқ турдаги жиноятларга қарши курашишда фуқароларимиз айниқса мансабдор шахсларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича иммунитетини шакллантириш каби мутлақо янги механизмлар яратилмоқда.

Ушбу мақолада биз Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббусларига асосан, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар натижасини кўриб чиқамиз ва улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган айрим ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиламиз.

**Тадқиқот мақсади:** Ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш фаолиятида ҳамкорлик, ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш<sup>1</sup>.

**Тадқиқот усуллари:** Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ходимлари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларига қарши курашишда фуқароларимизда тарбиявий иммунитетини шакллантириш, маъмурий-ҳуқуқий ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Бугунги кунда ривожланиб бораётган коррупция балоси, барча қатори жаҳон ҳамжамияти вакиллари ҳам тобора ташвишга солаётган глобал муаммолардан бирига айланиб бораётганлиги, шунингдек коррупция билан боғлиқ жиноятлар жамият хавфсизлиги ва барқарорлиги, иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожланиши ва ҳукуматнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган иллатлардан бири бўлиб келмоқда. Коррупцияга оид жиноятлар ҳукумат вакилларининг жамият олдидаги обрўсига путур етказибгина қолмай, ички ва ташқи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларнинг самарали йўлга қўйилишида ҳам жиддий муаммо туғдиради. Коррупция билан боғлиқ муаммоларнинг кенг талқин қилиниши ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашга қаратилган чора-тадбирларнинг кучайтирилишига қарамай ушбу жиноятни илдиз отиб бориши унинг моҳиятини янада

<sup>1</sup> Каршиев, А. М. (2023). Нормативно-правовая регламентация обеспечения компьютерной безопасности информационных систем в Республики Узбекистан. образование наука и инновационные идеи в мире, 25(1), 77-82.

чуқурроқ таҳлил қилиш ва пайдо бўлиш сабабларини кенгроқ ўрганишга ундайди. Зеро, “Коррупция касаллиги”ни енгишда бугунги кунда мамлакатимизда тезкор чора-тадбирлар жорий қилиниб келинмоқда<sup>1</sup>.

Авваломбор, биз коррупцияга қарши курашиш юзасидан давлат органларининг вазифаларини белгилашдан олдин, коррупция тушунчасини мазмунини ўрганиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу сабабли, коррупция атамаси, лотинча “corruptio” – “талон тарож” ва “бузилиш” маъноларини англатувчи сўздан келиб чиққан бўлиб, ушбу тушунчанинг ахлоқий ва маданий принциплар асосидаги талқинида ўз аксини топади. Коррупция атамаси лотин тилидаги иккита сўздан иборат бўлиб, “cor”, “ruptum” – “юррак”, “руҳият”, “бузилиши”, “барбод бўлиши” деган маънога эга. Оксфорд инглиз тили луғатида коррупция тушунчасининг 9 та маъноси берилган бўлиб, улардан фақат биттасини сиёсий фаолиятда қўллаш мумкин: коррупция пора ёки бошқа таъмағирлик турлари орқали давлат вазифаларини бажариш ёки бажармаслик давлат, корпорациялар ва бошқа идораларда коррупция амалиётларидан фойдаланиш ёки уларда иштирок этиш деб тушунсак бўлади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса мансабдор шахсларнинг ўзларига ишониб топширилган ҳуқуқлари ва ҳокимият ваколатидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши (коррупция порахўрлик, мансабни суистеъмол қилиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни ўз ичига олади). Бу иллатга қарши кураш дунёнинг кўплаб мамлакатларини қамраб олмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам коррупцияга қарши курашга ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда. Хозирги пайтда республикаимизда коррупцияга қарши кураш доирасида бир қатор дастурлар қабул қилинди ва улар бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Коррупция бу – жамиятни турли йўللар билан исканжага оладиган даҳшатли иллат эканлигига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз<sup>2</sup>.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мамлакатимизда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-ҳатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш Агентликнинг асосий вазифаларидан бири сифатида кўрсатилган. Агентликнинг Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси фаолиятидаги айрим коррупцион хавф-ҳатарлар ўрганиб чиқилган. Аниқланишича, Божхона кодексидаги ҳуқуқий бўшлиқ туфайли товарларни реэкспорт қилишда

<sup>1</sup> Ашуров, О., & Искандаров, Н. (2023). Жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ва худудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш!. Евразийский журнал технологий и инноваций, 2(1 Part 2), 217-221.

<sup>2</sup> Машарипов, Т. Э. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш.

(божхона худудига илгари олиб кирилган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона худудидан импорт божхона божлари ва солиқларини ундирмасдан қайтариш ёки иқтисодий сиёсат чораларини қўлламадан олиб чиқиш) коррупцион хавфи юзага келмоқда.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши мурасасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилаётганлиги, рақамли технологиялар имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда транспорт воситаларига давлат рақам белгиларини бериш, нотариат ва бошқа давлат хизматларини кўрсатиш, ер участкаларини ажратиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш каби кўплаб соҳаларда коррупция ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган самарали механизмлар жорий этилмоқда<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, кўриляётган тизимли чораларга қарамасдан, бюджет маблағларидан фойдаланиш, давлат харидлари, капитал қурилиш, лицензия ва рухсатномаларни олиш, банк кредитларини ажратиш, ишга қабул қилиш каби йўналишларда коррупция ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ва коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш мақсадида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда, хусусан, коррупцион жиноятлар учун жавобгарлик оғирлаштирилгани ҳам айни фикримиз далилидир.

Мамлакатимизнинг ривожланишининг бугунги босқичида коррупция давлат ва жамият таракқиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги қайд этилиб келинмоқда. Давлат органлари томонидан Коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Хозирги вақтда, коррупциявий хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш учун масъул бўлган алоҳида орган — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги томонидан коррупциянинг ҳар қандай

<sup>1</sup> Masharipov, T. (2022). Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш. *Science and innovation*, 1(C7), 295-302.

кўринишларига нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этилиб келинмоқда.

Коррупцияни олдини олишга бўлган уринишлар ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилиши, бунда аҳолининг миллий менталитети, сиёсий маданияти, ижро этувчи ҳокимият органлари устидан назоратни амалга оширувчи фуқаролик институтларининг ривожланганлик даражасини ҳам қамраб олиниши лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2003-йил 21-ноябрдаги резолюциясига мувофиқ, 2004-йилдан бошлаб “9-декабр – Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш куни” сифатида нишонланиши ҳам бежиз эмас. Тошкентда ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро конференцияда, иштирокчиларни юксак халқаро мукофотлар билан тақдирлаш маросимида давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Президентимиз ўз нутқида “Коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатида ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдидир ва у барқарор ривожланиш мақсадларига еришиш борасидаги режаларимизга ҳам жиддий путур етказди” дедилар. Бундан ташқари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам Коррупция жамиятимиз ривожига ғов бўлаётган энг катта иллат эканлиги, шунингдек, “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак,” – деб таъкидладилар<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, коррупция бу шундай иллатки – у чегара билмайди, у бутун дунё мамлакатларини доимий эътиборида туради. Бирорта мамлакат мен коррупциядан бутунлай холиман, деб айта олмайди. Зеро, коррупция мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида қатор салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Хусусан, бу сиёсий соҳада умуммиллий манфаатдан, айрим гуруҳлар манфаатини юқори қўйилиши, халқнинг давлатга ишончи пасайиши, демократик принциплар йўқолиши, қонун устуворлиги бузилиши, судлар фаолиятининг самарасизлигида кўринади.

Коррупция – бу жамиятни турли йўللар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказибгина қолмай, инсон ҳуқуқлари бузилишига, молиявий бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилинишига, ҳар бир жабҳа тараққиётини секинлашишига ва жамият хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ходисалар

<sup>1</sup> Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. *Journal of innovations in scientific and educational research*, 5(4), 240-247.

илдиз отиб кетишига шароит яратиб бериши ҳаммамизга кундек равшандир. Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг, ички ахлоқий-руҳий маслағи ва эътиқодига айланиши керакки, бу коррупцияга қарши маърифатнинг ўзагини ташкил қилади<sup>1</sup>.

Иқтисодий соҳада эса инвестицион муҳитнинг бузилиши, кичик бизнеснинг зарар кўриши, давлат ресурсларининг мақсадсиз тақсимланиши, нархларнинг сохта ошириб кўрсатилиши, молиявий, иқтисодий хавфнинг ошиши, яширин иқтисодиёт, иқтисодий рақобатнинг пасайишига олиб келади. Лекин, афсуски айни пайтда миллий қонунчилигимизда коррупцион жиноятлар тоифалари аниқ эмас. Биз кўпинча пора бериш ва пора олиш, ва шу каби бошқа жиноятларни коррупцион жиноят деб келамиз. Ваҳоланки, юқорида санаб ўтилганидек тўғридан-тўғри моддий манфаатдорлик билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар ҳам коррупцион бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

Ҳозирги глобллашув даврида ёки жараёнида коррупция муаммоси жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатада мавжудлигини кўриш мумкин. Аммо бу – барча давлатларда ҳам коррупция бир хил деган маънони англатмайди. Экспертларнинг хулосасига кўра, коррупциянинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда турли хил бўлиб, тарихий ривожланиш босқичи ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёт даражаси билан белгиланади. Ривожланган демократик давлатлар, жумладан, Сингапур, Швеция, Финландия давлат ислохотларини айнан мазкур иллат – коррупцияни илдизига болта уриш билан бошлаганлиги ва бу борада тизимли равишда иш олиб боришни ўзларининг асосий вазифалари деб белгилаганлиги учунгина жаҳонда коррупция даражасини ўрганувчи “Transparency International” ташкилотининг коррупциянинг йўқлик индексида ҳар доим юқори поғоналарида туришини таъминлайди.

Бу албатта мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, жумладан инвестиция фаолиятининг тараққиётига, инвестиция муҳитига ижобий таъсир қилиб, давлатни ҳар томонлама ривожланишига сабаб бўлади. Қонун талабларининг тўлақонли амалга оширилиши эса, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга, ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф етишга хизмат қилади. “Таълимнинг инқирози – бу миллат инқирозидир”. Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида фуқаролик жамиятини куришда тўғаноқ бўладиган муаммолардан бири коррупциядир, деб қайд этган. Ҳақиқатдан ҳам, коррупция – тараққиёт кушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли жиноят. Бу иллатга қарши курашиш тегишли органларнинггина эмас, барчанинг иши бўлиши зарур<sup>3</sup>. Шундагина

<sup>1</sup> Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Уқув кулланма / И.Исмоилов, Ж.С.Мухторов, С.Б.Хужакулов; масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. КРАбдурасулова. - Т.: Узбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. - 42

<sup>2</sup> Зуфаров Р.А., Ахраров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография //Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. - Б. 154.

<sup>3</sup> Ашуrow, О., & Назирхўжаев, О. (2023). Ички ишлар органлари томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини фoш этишда тезкор-кидирув тадбирларини ўтказиш самарадорлигини

20-Mart, 2026-yil

биз ушбу хавфни бартараф этган бўламиз. Бозор иқтисодиёти тизими кушандаси, давлатлар ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик, бизнес ҳамда инвестиция ривожига шафқатсиз тўсиқ ҳам айна шу коррупция ҳисобланади. Ҳар йили ўнлаб кўшма корхоналарнинг очилиши ва ёпилиши замирида ана шу “кўринмас кўллар” ётади. Коррупция даражаси юқорилашган давлатга чет эл инвестициясини киритиш камайиб бораётганининг асл сабабларини ҳам шу хавфли иллатдан излаш лозимга ўхшайди. Бугун бу борада ўнгланиш, силжиш қилмасак, миллатимиз обрўсига коррупция илллати соя солиб тураверади. Токи, биз оилада, боғчада, мактабда, олий таълимда ўғил-қизларимиз онгига, руҳиятига тамагирлик, порахўрлик ёмон иллатгина эмас, балки у жамиятимиз таназули, иқтисодиётимиз орқага кетиши сабаби эканлиги ҳақида кўпроқ тарбиявий ва тарғибот ишларини олиб бормасак, мақсад-муддаога эриша олишимиз қийин, албатта<sup>1</sup>.

Коррупция ва миллий тараққиёт масаласи – юрт тақдири, мамлакат келажаги учун ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Сабаби юртимиз аҳолиси бир асрлик мустахлакчилик даврида йўқотилган моддий ҳамда маънавий бойликлар ўрнини қайта тиклаш, иқтисодиётни ривожлантириш, миллий ўзликни асраш йўлида кечаю-кундуз меҳнат қиладиган давр келди. Японлар ҳам, Хитойликлар ҳам, Сингапурликлар ҳам халқ руҳиятини сақлаб қолиш, диний қадриятларни мустаҳкамлаш, ватанпарварлик мафқурасини онгга сингдириш орқали миллий тараққиётга эришди. Биз ҳам шу нурли йўлдан юришга муносиб халқимиз. Зеро, озодлик, эркинликка эга халқимиз шундай бой имкониятлардан тўлақонли фойдаланишга ҳақлидир. Ўзбекистонда коррупция муаммоси ечилишига ва бу балога барчамиз бирданига қарши курашишимиз учун масъулдирмиз<sup>2</sup>.

### ХУЛОСА

Юкоридагиларга асосланган холда шуни айтиш мумкинки, коррупцияни вужудга келтирувчи ва унинг ривожланишига таъсир этувчи шарт-шароитлар ва омиллар ўзаро алоқадорликда ҳаракат қилиб, бир-бирининг мавжудлигини таъминлаб жамият ҳаётининг турли соҳаларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, коррупциянинг Ўзбекистон миллий хавфсизлигига таҳдидлар тизимидаги ўрнини белгилаб бермоқда. Ҳар бир мамлакатда давлат ва жамиятнинг куч ва воситалари ёрдамида коррупцияга қарши кураш амалга оширилиб, бунинг учун катта маблағлар сарфланмоқда. Коррупцияни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш орқали унинг содир этилиш механизмларини аниқлаш ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

---

оширишнинг ижобий омиллари. Евразийский журнал технологий и инноваций, 2(1 Part 2), 205-209.

<sup>1</sup> Каршиев, А. М. (2023). К вопросу о понятии «оперативная комбинация». образование наука и инновационные идеи в мире, 25(1), 68-71.

<sup>2</sup> Ашууров, О. (2023). Вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 3(Special Issue), 128-132.

**Биринчидан:** Давлат амалдорлари ва муассасалари ҳалоллигини сақлаш ва бунга имконият яратиш мақсадида, нафақат корхона, муассаса, ташкилот доирасида, балки унинг ташқарисида ҳам ходимларнинг тақиқланган хулк-атвор кўринишларини намоён этадиган, коррупция ҳаракатларининг турли шакллари аниқ белгилайдиган хулк-атвор кодексини жорий этиш зарур. Хулк-атвор кодекси бузилган ҳолларда ходимларни жавобгарликка тортиш имконини берувчи хулк-атвор санкциялари турларининг қатъий тартибини белгилаш, хулк-атвор кодексига зид бўлган вазият мавжудлиги тўғрисида ахборот йиғишга ёрдам берувчи хабарчи-ходим ҳимоясини кафолатлайдиган, хабар қилишнинг ички аноним тизимини белгилаш, ташкилот ёки корхонада коррупцияга мойил бўлган соҳаларни аниқлаш асосида тармоқлар кесимида коррупцияга оид хариталарни тузиш каби механизмларни жорий этиш кўзда тутилади.

**Иккинчидан:** Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилган шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларини мансаб лавозимларига тайинламаслик амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Мансаб этикасини бузганлигига нисбатан жавобгарликнинг белгиланганлигини назарда тутган ҳолда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

**Учинчидан:** Республика миқёсида, ҳудудлар ва алоҳида бўлимларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга масъул бўлган мутахассисларни тайёрловчи, уларнинг махсус билим ва кўникмаларини ривожлантиришни таъминловчи, мансабдор шахсларга коррупциянинг зарарли оқибатларини тушунтирувчи мунтазам равишда мажбурий ўқитиш учун таълим тизимини яратиш лозим.

**Тўртинчидан:** Аҳолининг ҳуқуқий онгги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шунингдек, коррупция омилларини аниқлаш, коррупция хавф-хатарларини бошқариш ва уларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш борасида олий таълим муассасалари ўқув жараёнига “Коррупцияга қарши хулк-атвор стандартлари” фанини жорий этилиши аҳолининг ҳуқуқий онгги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

**Бешинчидан:** Мамлакатдаги барча соҳаларнинг коррупциялашганлик даражасини аниқлаш, аҳоли ўртасида сўровномалар олиб бориш ва ҳар йили оммага эълон қилиб бориш мақсадида халқаро “Transparency International” нодавлат-нотижорат ташкилотининг “Transparency International Ўзбекистон” номи остида аналогини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**Олтинчидан:** Маъмурий хўжалик органларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш орқали мансабдор шахслар томонидан руҳсат бериш ёки тақиқлаш бўйича масалаларнинг қандай ҳал қилинишини кузатиб бориш ва адолатсизликларнинг олдини олиш мақсадида “OPEN” дастурини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, фуқароларга мансабдор шахсларга юборган мурожаатларининг жараёнларини очик кузатиб бориш имконини берувчи,

аризаларининг қачон, ким томонидан рўйхатга олинганлигини, унинг ижроси учун ким масъуллигини ва мурожаатнинг ҳал этилиши жараёнини, мурожаат юзасидан олинган жавоб юзасидан ўз эътирозларини билдиришга, аризасининг нима сабабдан қондирилмаслигига жавобни реал вақт ичида олиш имконини яратишда хизмат қилади<sup>1</sup> деб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исмоилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, КРАбдурасулова, И.Ю.Фозилов; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015
2. Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 4(1), 61-69.
3. Каршиев, А. М. (2023). Нормативно-правовая регламентация обеспечения компьютерной безопасности информационных систем в Республики Узбекистан. образование наука и инновационные идеи в мире, 25(1), 77-82.
4. Ашуров, О., & Искандаров, Н. (2023). Жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ва ҳудудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш!. Евразийский журнал технологий и инноваций, 2(1 Part 2), 217-221.
5. Машарипов, Т. Э. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш.
6. Masharipov, T. (2022). Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш. Science and innovation, 1(C7), 295-302.
7. Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. Journal of innovations in scientific and educational research, 5(4), 240-247.
8. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Уқув қулланма / И.Исмоилов, Ж.С.Мухторов, С.Б.Хужакулов; масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. КРАбдурасулова. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. - 42
9. Зуфаров Р.А., Ахраров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография //Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. - Б. 154.
10. Ашуров, О., & Назирхўжаев, О. (2023). Ички ишлар органлари томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини

<sup>1</sup> Амонов, Ф. С., & Нурмухаммедова, Г. Б. (2022). Коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уларнинг олдини олиш масалалари. Academic research in educational sciences, 3(4), 419-428.

20-Mart, 2026-yil

Ўтказиш самарадорлигини оширишнинг ижобий омиллари. Евразийский журнал технологий и инноваций, 2(1 Part 2), 205-209.

11. Каршиев, А. М. (2023). К вопросу о понятии «оперативная комбинация». образование наука и инновационные идеи в мире, 25(1), 68-71.

12. Ашуров, О. (2023). Вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 3(Special Issue), 128-132.

13. Амонов, Ф. С., & Нурмухаммедова, Г. Б. (2022). Коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уларнинг олдини олиш масалалари. Academic research in educational sciences, 3(4), 419-428.